Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
31 июль
ЧОРШАНБА
№ 61 (12593)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига

**Янгийўл туманида ҳам истиқлол йилларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда барпо этилган маданий-маиший иншоотлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, кенг ва равон йўлларни кўриб, баҳридилингиз яйрайди.**

## ЯНГИЙЎЛНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ




**СУРАТДА:** 2-фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими.

– Қишлоқларимизнинг шаҳар билан бўйлашаётгани, одамларимиз ҳаёти, умуман, барча соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар тинчлик ва осойишталик, мустақиллик туфайлидир, – дейди Янгийўл тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Норбўтаев. – Ана шу улуғ неъматларнинг қадрига етиш, кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

(Давоми 2-бетда).

Иқтисодиёт

## СИФАТИГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ



**Тозалик ва поклик қон-қонимизга сингиб кетган. Шу сабаб аёлларимизнинг ҳеч бир куни совун, кийим ва идиш-товоқ ювиш воситаларисиз ўтмайди. Арзимас туюлган мана шу "ёрдамчилар" киши билмас тарзда хонадонимизнинг тинчлигини таъминлар экан. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ишдан ҳориб-чарчаб келган турмуш ўртоғимиз саранжом-ораста хонадонига келиб, чарчоғи зумда кўтарилади. Қордек оппоқ, оҳори тўкилмаган кийимлар сабаб баҳридили очилади. Тозалигидан ўз аксини кўриши мумкин бўлган идиш-товоқларда таомларни иштаҳа билан истеъмол қилади.**

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТДА:** (чапдан) технолог Отабек Исакбеков ва иш юритувчи Баҳодир Зиёдов мижозларга жўнатилаётган маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

## «ҚИРҚҚИЗ»ДА ШОДИЁНА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан Пискент туманидаги Қирққиз қишлоғида маънавият маркази туман бўлими, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, "Кориз", "Култепа", "Мустақиллик", "Кўлота" маҳаллалари, туман касаба уюшмаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарининг мазмун-моҳиятини шарҳлаб беришди. Шунингдек, истиқлол йилларида халқимизга яратиб берилаётган имкониятлар ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Байрам тантанаси мамлакатимиздаги таниқли хонандалар ва бадиий жамоаларнинг мустақил юртимизни мадҳ этувчи қўшиқларига уланиб кетди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## ШОҲОНА РАНГЛИ БЎЁҚЛАР

**Қурилиш якунидаги пардозлаш ишлари нафақат қурувчилар меҳнатини, балки янги қурилаётган бино гўзаллигини ҳам намоён этади.**

Зангиота тумани "Шоҳона рангли бўёқлар" масъулияти чекланган жамиятининг айнан пардоз учун ишлатиладиган маҳсулотлари бугун бозорларда ўз ўрнига эга. Корхонада "Ғунча", "Карвон", "Made collor" каби номларда 14 хилда бўёқлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар сифатли бўлгани учун харидоргир.

Корхонада 24 нафар ёшлар иш билан таъминланган. Келажакда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, турини кўпайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидалар.

**Ўз мухбиримиз.**

## «ЭЪЗОЗА» ИШ БОШЛАДИ

Оҳангарон тумани "Ёшлик" маҳалласида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида тўй либослари салони ишга туширилди. Лобар келинларнинг қувончли ва унутилмас кунларида хизмат қилиш билан бирга маҳалла ёшларининг беш нафари ишли бўлди.

"Эъзоза"да сартарошлик, пардозхона ва фотостудия хизмати йўлга қўйилган.

**Ўз мухбиримиз.**

Ифтихор

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

**Ҳозирги кунда ёшларга берилаётган эътибор ҳар қандай кишини қувонтиради. Қатор ташкилотлар уларнинг иқтидори ва қобилиятини юзага чиқариш мақсадида фаолият юритмоқда. Бунга ёшлар ўзларининг муваффақиятлари билан муносиб жавоб қайтаришяпти.**

Ўзбекистон давлат Консерваториясида икки кун "Ягонамсан, мустақил Ватан!" қўшиқлар кўрик-танловининг Республика босқичида вилоятимиз номидан 6 иштирокчи зўр иштиёқ билан қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати уларнинг жонли ижро маҳоратига юқори баҳо беришди. Жумладан, вакилимиз Фахриддин Турсунов "Ватан" қўшиғи билан учинчи ўринни эгаллади. 25 ёшли Феруза Абдуллаева "Ватан мадҳи" қўшиғини ижро этганда залда анча вақтгача қарсаклар тинмади. Янгийўллик Озодбек Ҳалилов саҳнага чиққанида йиғилганлар ҳайратда қолишди. Чунки у эндигина 9 ёшда эди. Шунга қарамай ака ва опаларидан қолишмай, микрофонни дадил тутганча, жонли ижрода қўшиқ куйлаши барчанинг олқишига сазовор бўлди. Унга бу сафар 5-ўрин насиб этди. Лекин у бундан асло хафа бўлмади. Кейинги сафар албатта юқори ўринларни олишни ният қилди.

Мазкур хабарни эндигина газета саҳифасига жойлаштираётганимизда вилоят таэквандо федерацияси раҳбари Дилшод Тўрақулов қўнғироқ қилиб, қувончли хабар борлигини айтиб қолди. Биз ҳам унинг фикрларини дарров қоғозга туширдик. Унинг айтишича, халқ таълими муассасаларига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги Олимпия мажмуасида ташкил этилган чемпионатда 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар гиламга тушишди. 8 вазн тоифасида беллашган вакилларимизга шу куни омад кулиб боқди. Жавлон Акбаралиев 73 килограмм вазнда олтин медаль соҳибига айланди. Унинг кетидан Нарзиддин Мамажонов 45 килограмм вазнда шоҳсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади. Бундан ташқари, Санжар Мусаев (51 килограмм) ва Олег Лим (48 килограмм) мусобақадан қуруқ қайтишмади.

Юқорида тилга олинган икки муҳим тадбирда вакилларимиз эришган муваффақият вилоятимизда ёшларга берилаётган эътибор, уларнинг келажаги учун яратилаётган шарт-шароитларнинг меваси десак янглишмаймиз.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## ТАРАДДУД ТАДБИРЛАРИ

**"Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" нодавлат нотижорат ташкилоти Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида Бекобод шаҳрида қатор ташкилий-амалий тадбирлар ўтказди.**

Уларнинг дастлабкиси, яъни "Оилавий тадбиркорлик – жамият тараққиётининг гарови" лойиҳаси шаҳардаги "Ёшлар уйи" тўйхонасида бўлди.

ННТ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси, республика Марказий банки, "Ўзбекистон ипаги уюшмаси", "Аёллар кенгаши" ҳамда бошқа ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув-семинарда шаҳар ҳокимлиги вакиллари, тадбиркор, ҳунарманд, касаначи ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тренингда сўз олганлар мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий масъулиятли фуқароларга манзилли ёрдам бериш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уни халқ орасида ёйиш афзалликларини тарғиб қилиш эканлигини таъкидлашди.

Семинар жараёнида иштирокчилар ҳамкор ташкилотларнинг экспертларидан бизнес юритиш, солиққа тортиш ва ҳуқуқий масалаларга оид маслаҳатлар олишди.

– Ўқув-семинарда кредит ва молия соҳасидаги билимларим янаям ошди. Бизнес учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва бизнес-лойиҳалар тузишнинг оддий йўлларини билиб олдим, – дейди хусусий тадбиркор Дилбархон Холиқова. – Энди бизга берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб фаолиятимизни бемалол кенгайтиравeрамиз.

Ташкилий-амалий тадбирларнинг навбатдагиси Қосим ота Фармонов номли маҳаллада ҳашар йўли билан барпо этилган болалар спорт майдончасининг очилиш маросимига уланди. "Спорт майдончалари ҳар бир маҳаллада" деб номланувчи мазкур акцияда вилоят жамоатчилик кенгаши аъзолари, оқсоқол ва ёшлар қатнашди.

– Бу каби акцияларни ўтказишдан мақсад ўсиб келаётган авлодни турли зарарли таъсирлардан сақлаш, бўш вақтларини мароқли ташкил этиш, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Ҳожимурод Эрматов. – Шу ва бошқа жиҳатларни инобатга олиб, спорт майдончаларини модернизация қилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга ҳам зўр беряпмиз.

Тадбир якунида ташкилотчилар ёш спортчиларга турли спорт анжомларини ҳадя қилдилар.

Шунингдек, тадбирда "Меҳр нури" жамғармаси ташкилотчи, ҳомий ва тадбиркорларга республика жамоатчилик кенгаши номидан миннатдорчилик сертификатларини топширди.

**Беҳзод МАМАДАЛИЕВ.**

Нишондорларимиз

**Дастлаб, Зангиота тумани, Чоштепа қишлоқ фуқаролар йиғини "Иқбол" маҳалла маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминова ҳақида ҳикоя қилиш осондек эди. Ахир бу жонкуяр аёлни кўп йиллардан буён биламиз. Турли тадбирларда тез-тез учрашиб турамиз, ҳатто ёнма-ён ўтирамиз.**

## ЧОШТЕПАДАН ЧИҚҚАН МАСЛАҲАТЧИ

Аммо, бу фидойи аёл таърифи биз учун осон кечмади... Фикрларимизни жамлаб олай деб, у кишига қўнғироқ қилдик. Аммо боғланишнинг иложи бўлмади. "Ҳа, энди эл назаридаги одам, ишлари кўп бўлса керак", дедигу билганларимизни қоралай бошладик. Тавсифномадаги шу сатрларга кўзим тушди: "Мукофотланмаган. Меҳнат стажи 43 йил. Мазкур вазифада 2004 йилдан ишлаб келмоқда".

Беихтиёр, чоштепаликларнинг севимли масканларидан бири "Орзу" тўйхонасидаги илк учрашувимиз ёдимизга тушди. 2005 йилдаги "Намунали қайнона", "Иболи келин"лар танлови ташкилотчиси сифатида елиб-югуришлари кўз олдимиздан ўта бошлади. Шунга ҳам, салкам 10 йил бўлай деб қолибди... Ниҳоят, маслаҳатчи опа гўшакни кўтарди.

(Давоми 2-бетда).

Паспорт тизими

## БУ ИШДА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК КЕТМАЙДИ

**Жумабозорлик Ҳайдар Валиев паспортини биометрик паспортга алмаштириш зарурлигини билиб, Юқори Чирчиқ туман паспорт бўлинмасига йўл олди. "Ҳойнаҳой, бугунги куним шу ерда сарғайиб ўтса керак. Навбат кутишдан ёмони йўқ-да" дея бўлинмага кириб келди. Лекин бир оз ўтмай, ўйлаганларининг аксини кўрди. Ўз ишининг устаси бўлган инспекторлар фуқароларнинг ҳужжатларини тезгина расмийлаштириб беришмоқда. Соатлаб навбат кутишлар йўқ. Нусха кўчириш ва канцелярия буюмлари савдоси ҳам йўлга қўйилибди.**

Мамлакат Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига Юқори Чирчиқ туман паспорт бўлинмаси жиддий киришган.

– Биометрик паспортни расмийлаштириш 2012 йил июнь ойида бошланган бўлиб, йил якунига қадар 12500 фуқарога биометрик паспорт берилди, – дейди туман паспорт бўлинмаси бошлиғи Комилжон Рисқибоев. – Шу йилнинг беш ойида 10402 фуқарога, жумладан, 16 ёшга тўлган 1976 нафар ёшларга ҳамда исми, фамилия ва шарифини ўзгартирган 1053 фуқарога янги паспорт расмийлаштирилди. Умуман, бугунга қадар 22902 фуқарога биометрик паспорт беришга улгурдик. 2015 йилнинг 31 декабригача яна 95 мингта паспортни расмийлаштиришни мўлжаллаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

"Тошкент ҳақиқати"га жавоб берадилар

## «ШИРАКАЙФ КЕЛМАСИН»

Газетанинг 2013 йил 17 июль сонида бекободлик пенсионер М. Туроновнинг "Зафар" почта алоқа тармоғи таркибидаги "Маданият" алоқа бўлими иш фаолияти ҳақида босилган ушбу мақоласида алоқа бўлими раҳбари Қудрат Қолдибоев пенсия пулларидан асоссиз ушлаб қолиши, пенсионерларга эски газеталар сотиши, коммунал тўловлар учун тўланган пулларни ўтказмаслиги ҳамда ишга ширакайф ҳолда келиши қайд этилган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан Бекобод туман ҳокими ўринбосари Ф. Мўминов имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, туман ҳокимлиги тегишли мутахассисларни жалб этиб, алоқа бўлимининг иш фаолиятини ўрганди. Алоқа бўлимида ҳар ойда 300 дан зиёд кишиларга пенсия пуллари тўланиб, шу даврда коммунал тўловлар қабул қилинган ва почта моллари (конверт, газеталар) сотилган. Коммунал тўловларни қабул қилиш тартибини алоқа бўлими бошлиғи Қ. Қолдибоев ва почта ходими Ш. Эшонқулов қўпол равишда бузиб келишган. Яъни, қабул қилинган газ ва электр энергияси тўловлари учун 47-шакл чипта дафтарлари ўз вақтида ёзилмаслиги сабабли пенсионер М. Туроновдан шу йил февраль ойида газ учун олинган ўттиз минг сўм нақд пул вақтида кирим қилинмай, пенсия тўловлари кечиктирилган. Пенсия пулларини тарқатишда эски газеталар учун пул ушлаб қолиш масаласи юзасидан туман прокуратураси, давлат солиқ инспекцияси, молия бўлими, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимлари текшириш ўтказишмоқда.

Ўрганиш натижасида "Маданият" алоқа бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган Қ. Қолдибоев қилган хатоларини тан олиб, 2013 йил 23 июль куни ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаши тўғрисида берган аризасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Туман ҳокимлиги "Зафар" почта алоқа тармоғи бошлиғи вазифасини бажарувчи Ж. Алимовга келгусида бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун ходимлар устидан назоратни кучайтириш, пенсия пуллари эгаларига вақтида етиб боришини таъминлаш вазифаси юклатилди.

## «БЕПИСАНДЛИК ҲАМ ЭПИ БИЛАНДА»

Газетанинг шу йил 13 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг "Тошкент ҳақиқати"даги танқидий чиқишларга беписанд муносабатда бўлаётгани, хусусан, газетанинг 2013 йил 3 май сонида эълон қилинган "Эҳ бу кўчалар, бефайз гўшалар" сарлавҳали мақолага ҳокимлик бош мутахассиси вазифасини бажарувчи Т. Маякубов имзоси билан бир энликкина жавоб хати йўллангани, у ҳам бепарволик билан ёзилиб, имловий хатоларга тўла, ғализ жумлалардан иборатлиги танқид қилинганди.

Ушбу мақола юзасидан Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Эгамназарова имзоси билан жавоб хати келди.

Унда айтилишича, газетада эълон қилинган "Беписандлик ҳам эпи биланда" сарлавҳали мақола шаҳар ҳокими Ф. Хайруллаев бошчилигида раҳбарлар иштирокидаги йиғилишда муҳокама этилган. Ҳокимлик бош мутахассиси вазифасини бажарувчи Т. Маякубов ўзига юклатилган вазифага совуққонлик билан қарагани учун қаттиқ огоҳлантирилган. Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида шаҳар ҳокими томонидан ҳокимлик мутасаддиларига тегишли кўрсатмалар берилган.

Нишондорларимиз

# ЧОШТЕПАДАН ЧИҚҚАН МАСЛАҲАТЧИ

– Ёқутхон опа, ҳали ҳам югуриб юрибсизми, чарчамадингизми? – дея сўраймиз меҳр ва ҳавас билан.

– Йўғ-э, нима деяпсиз, ахир мен мана шу одамлар, маҳалладошларим билан тирикман, уларга қараб, ҳаёт лаззати, яшаш иштиёқини ҳис этаман, куч-қувват оламан. Қисқаси, уларни кўрмасам туролмайман...

Дарҳақиқат, шундай. Буни "Иқбол" маҳалласи аҳолисининг "жонкуяримиз, меҳрибонимиз" дея ардоқлашларидан ҳам билса бўлади. Бу бежиз эмас.

– Мустақиллик аёлларимизга бемисл имкониятлар берди, – дейди Ёқутхон опа. – Инсон ўзлигини англай олсагина жамиятнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшади. Шунингдек, саъй-ҳаракатларнинг қўллаб-қувватланиши, ишонч билдирилиши ҳар бир аёл учун улкан рағбат. Ахир улар Юртбошимиз таърифлаганларидек, "Оилалар шамчироғи, хонадон файзи, яъни фарзанд тарбиясида энг масъул, энг фидойи, эл-юрт учун умрини бахшида этувчи жафокаш инсонлардир". Ҳақиқатан ҳам Ёшлар тарбияси йўлидаги ҳар қандай тадбирларимизда улар доимо бош-қош.

Маҳалла иқболи, шон-шуҳрати учун курашаётган фаоллар доимо маслаҳатчининг ёнида, ҳамфикр, ҳамқадам. "Шиоримиз – соғлом турмуш тарзи", "Биз диний экстремизм ва ақидапарастликка қаршимиз", "Гиёҳвандлик – аср вабоси", "Соғлом оила, соғлом она, соғлом фарзанд", "Ҳушёрлик давр талаби" каби маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари маҳалладаги маънавий муҳитнинг яхшиланишида муҳим аҳамиятга эга.

– Бандлик масаласи доимий диққат марказимизда, – дейди Ёқутхон Мўминова. – Ҳозир маҳалламизда касаначилик билан шуғулланаётган аёлларимиз 32 нафарга етди. Улар миллий либослар, жиҳозлар тикиш, турли қандолат маҳсулотлари тайёрлаш билан банд. "Ўктамхон" хусусий фирмасида "устоз-шогирд" анъанаси яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, маҳалламизда 58 ёш йигит-қиз ҳунарга, касб-корга ўрганиб, турли соҳаларда ишлашмоқда. "Ал-Ҳабиби" тикувчилик цехимизда ҳам 10 нафар ёшлар иш билан банд.

"Иқбол"нинг обод кўчалари, саранжом-сариштали хонадонлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш ўринли. "Энг обод кўча", "Энг ораста хонадон", "Энг кўп гул етиштирган хонадон", "Томорқадан энг унумли фойдаланган хонадон". Бундай кўрик-танловлар натижасини қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин: кўчаларга 98 туп арча, 163 минг туп гул, 12 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Маҳалла аҳли ўз ҳудудидаги 78-мактаб томорқасига 300 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт экишда ҳам фаол қатнашди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишларда иқболликлар доимо пешқадам. Сўнгги 3 йил ичида кам таъминланган фуқаролар хонадонларини таъмирлаб бериш учун 6 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Маҳалланинг А. Комилов, Исоқулов, Шоабдиев, И. Аҳроров, "Соҳибкор", "Ёшлик" кўчаларидаги асфальт йўллар, янги қурилган 18 метрли кўприк фикримиз исботи. Обод маҳаллада албатта соғлом оилалар, соғлом инсонлар яшайди-да. "Отам, онам ва мен", "Спорт чиниқиш ва гўзаллик тимсоли" каби мусобақалар, спорт усталари билан учрашувларда, айниқса, маҳалла ёшлари катта қизиқиш билан иштирок этишади.

Бундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётган Чоштепа фуқаролар йиғини "Иқбол" маҳалласи диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминованинг меҳнатлари муносиб тақдирланаётгани ҳам бор гап. 2005 йилда "Маҳалла жонкуяри" кўрик-танлови республика босқичида 1-ўрин, 2006 йилда "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги" кўкрак нишони, 2006 йилда "Энг намунали маслаҳатчи" кўрик-танлови республика босқичида 1-ўрин, 2011 йилда "Энг фаол маънавият тарғиботчиси", шунингдек туман миқёсидаги қатор танловлардаги фаол иштироки – бу ютуқлар ҳам улкан рағбат аслида. Лекин, Юртбошимиз фармонига кўра, кечагина берилган давлат мукофоти Ёқутхон Мўминова ҳаёти, умр мазмунига юксак баҳо бўлди.

Қисқаси, маҳалла жонкуяри, тиниб-тинчимас маслаҳатчи аёл Ёқутхон Мўминованинг тавсифномасида Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида янги сатр пайдо бўлди:

"Дўстлик" ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига кўра бу нуфузли мукофотга лойиқ кўрилгани Ёқутхон Мўминованинг фидокорона меҳнатларига муносиб рағбат бўлди.

– Истиқлол шарофати билан маҳалламизнинг иқболи кулди, – дейди Ёқутхон опа. – Қолаверса, бизга кўрсатилаётган ҳурмат, эҳтиром, Юртбошимизнинг эътирофи беқиёс қувонч, ғурур, шунингдек улкан масъулият ҳам. Яна шуни айтмоқчи эдимки, умр йўлдошим, физика-математика фанлари номзоди, сейсмология институти катта илмий ходими Мирзоид Мўминовнинг бағри кенглиги, меҳр-оқибати туфайли шу даражага эришдим. Яратганга шукр, тўрт фарзандим ҳам ўқимишли, ҳаётда ўз ўринларига эга.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига

# ЯНГИЙЎЛНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Кейинги йилларда туманда ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишлари кўлами янада кенгайди. Кўплаб янги бино ва иншоотлар қад кўтарди, мавжудлари таъмирланди. Янгийўл темир йўл вокзали қайта реконструкция қилинди. Вокзалга туташ ҳудудда осма кўприк ишга туширилди. Йўловчилар мушкулини осон қилган ушбу кўприк ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари ижроси доирасида ўтган йили сузиш ҳавзаси, болалар мусиқа ва санъат мактаби, қишлоқ врачлик пункти, иккита кичик футбол майдони бунёд этилди. Туман марказидаги 62-, "Навбаҳор" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 25-умумтаълим мактаблари янги қиёфага кирди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2009-2012 йилларда тумандаги Шўралисой, А. Ортиқов ҳамда У. Мусаев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида 145 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қурилаётган тураржойлар қишлоқларимизга бутунлай янгича, кўзни қувонтирадиган чирой бахш этмоқда, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Янгийўл тумани бўлинмаси раиси Эркин Йўлчиев. – Бу одамларимиз кайфиятию руҳиятини кўтариб, уларнинг ҳаётга, обод турмушга бўлган қизиқиш ва интилишини янада ошираётир. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларга талабнинг ошиб бораётгани ҳам бундан далолатдир.

Айни кунларда туманда "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижроси доирасида беш километрдан ортиқ ички йўл таъмирланиб, 4,2 километрлик сув қувури тортилмоқда, "Ниёзбош" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида мини–футбол стадиони барпо этилаётир. Тошкент-Термиз" автомагистралининг Янгийўл тумани ҳудудидан ўтган қисмидаги олтита кўприк архитектура талабларига тўлиқ мос келадиган замонавий кўринишга эга бўлмоқда.



Жорий йилда тумандаги 2-Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими учун янги бино қурилди, 52-умумтаълим мактаби ва Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи капитал таъмирланди. Туманда етмишдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, ун, чорва учун озуқа ва хўжалик моллари ишлаб чиқарадиган "Сун вай булд" масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Натижада, уч юздан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилаётган "Ойша она бизнес" масъулияти чекланган жамияти 150 нафардан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Туманнинг мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилгани аҳолига арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш, ички бозорни тўлдириш, янги корхоналар очиш, иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда. 2012 йили бу ерда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган "Мастер глобал плюс" масъулияти чекланган жамияти ҳамда "Янфурт" қўшма корхонаси ташкил этилди. Икки юз нафардан зиёд йигит-қиз меҳнат қилаётган мазкур корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда туманда 837 фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Улар асосан мева-сабзавотчилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Маълумотларга кўра, туманда жорий йилда 2012 йилга нисбатан анча кўп – 427,9 минг тонна сабзавот, 17,6 минг тонна полиз маҳсулотлари, 58 минг тонна картошка, 22,4 минг тонна мева ҳамда 10,5 минг тонна узум етиштириш кўзда тутилган. Бунинг учун барча куч ва имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Янгийўлда бозорларни тартибга келтириш, янгиларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

"Янгийўл деҳқон бозори"да кейинги йилларда 1 минг 253 ўринли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари растаси янгиланди. Гўшт, сут ва балиқ маҳсулотларини сотиш учун алоҳида жой ажратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини аниқлайдиган ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ишлаб турибди. Бозор атрофида замонавий дўконлар, чойхона, банк шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш масканлари жойлаштирилгани харидорлар учун кенг қулайликлар туғдирмоқда.

"Янгийўл савдо комплекси" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акмал Аъламовнинг айтишича, ўтган йиллари давлатимиз ва тадбиркорлар маблағи ҳисобига уч юз элликка яқин дўкон қурилиб, ишбилармонларга берилган. Бугунги кунда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаётган ўттизта дўкон Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида иш бошлайди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"-ги қарори асосида Янгийўлда ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Туманда ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишлари авж олган. "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир. Шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирок этаётган бундай тадбирлар янгийўлликларга байрамона кайфият бағишламоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТДА:** 75-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби.

(Давоми. Боши 1-бетда).

# КЎРИБ, КЎЗ ҚУВОНАДИ

**Зангиота тумани Қатортол қишлоғининг "Қорабой тўпи" маҳалласидаги тепаликлар ўрнида қад ростлаган намунавий лойиҳадаги кўркам уй-жойлар киши кўзини қувнатади.**

152 та ана шундай уй-жойлар қаторига яна 19 таси битказилиб, эгаларига топширилади.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида тадбиркор Фарҳод Азимов бу ерда бозорча барпо этаяпти. Дўкон, новвойхона аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

Маҳаллада намунавий лойиҳадаги уйларни қуриш "Бешқўрғон" кўчасида яшовчи аҳолининг тоза ичимлик суви ва электр энергия таъминотини яхшилаш имконини беради.

**Ўз мухбиримиз.**

Паспорт тизими



Паспорт бўлинмаси ходимлари фақатгина салқин хонада қоғозларга кўмилиб ўтиришгани йўқ. Уларнинг паспорт расмийлаштиришдан бошқа яна кўплаб юмушлари бор. Чунончи, бўлинма ходимлари туманда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг олдини олишмоқда, қидирувдаги ва паспорт қоидаларига риоя этмай яшаб юрган чет эл ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар аниқланмоқда. Шулардан бири – "Паспорт-виза" тезкор профилактик тадбирлари. Паспорт-виза тизимига амал қилмай яшаб юрган фуқароларни аниқлаш ва паспорт қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун муддати ўтиб кетган паспортлар рўйхатини ҳудудлар бўйича тайёрлаб, шу асосда қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Ўрнатилган тартибда уларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштириляпти. Қидирувдаги жиноятчиларнинг фотосуратлари паспорт тарқатиш жойларига илиб қўйилиб, мурожаат этаётган ҳар бир шахс ушбу фотосуратларга солиштирилмоқда.

# БУ ИШДА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК КЕТМАЙДИ

Инспектор Қобилжон Раҳимовнинг берган маълумотига қараганда, тумандан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқароларни аниқлаш ва уларни яшаш жойларига қайтариш бўйича чора-тадбирлар кўрилаётган экан. Бўлинма ходимлари ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда бундай фуқаролар ҳамда уларнинг қариндошлари, яқинлари билан суҳбатлар ўтказилиб, қаерда ва нима билан машғул эканликлари аниқланмоқда. Улар тўғрисидаги маълумотлар Республика ИИВ Ахборот маркази ва Тошкент шаҳар ИИББ манзил-маълумотлар бериш бюросида текширилиб, "Узоқ муддат" базасига киритиб бориляпти.

– Паспорт хизмати масъулиятли соҳалардан ҳисобланади, – дея суҳбатни давом эттирди Комилжон Рисқибоев. – Бу хизматда, авваламбор, интизомли ва хушмуомала ходимлар ишлаши лозим. Улар ҳужжатларни буйруқ талаблари асосида ўз вақтида кўриб чиқиб, расмийлаштириб беришлари, ариза ва шикоятларга эътиборсизлик қилмасликлари талаб этилади.

Бўлинма ходимлари жойлардаги профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда 49100 та корхона, ташкилот, жамоа-ширкат хўжаликлари ва муассасада паспорт тартибига оид тадбирларни ўтказишмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича далолатномалар тузилиб, қоидабузарликларга йўл қўйган раҳбарларга қонуний чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида паспорт муддатини ўтказиб юбормаслик, уни йўқотмаслик, ноқонуний яшовчиларга уй-жой бермаслик, тегишли ҳужжатларсиз ва рўйхатдан ўтмай яшайдиганларни корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилмаслик юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Хуллас, шу куни Ҳайдар Валиевнинг иши тезда битди. Энди янги биометрик паспортни олиб кетгани келса бас.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодиёт

# СИФАТИГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Қибрай туманидаги "AQUARIUS GROUP" масъулияти чекланган жамиятида аёллар учун кўмакчи воситалар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона линиясидан илк маҳсулот чиққанига эндигина беш ой бўлди. Шунга қарамай, "Водолей" рамзи остидаги тозалаш, кир ювиш кукунлари, идиш-товоқ ювишга мўлжалланган геллар, хўжалик совунлари истеъмолчиларга манзур бўла бошлади. Маҳсулотлар белгиланган хавфсизлик, сифат ва бошқа барча талабларга тўлиқ жавоб беради. "Ўзстандарт" агентлиги ходимлари корхонанинг маҳсулотларини назоратдан ўтказа туриб, уларнинг сифатига тан беришиб, керакли сертификат билан таъминлашди.

– Ҳозир юртимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш соҳалари анча ривожланмоқда, – дейди корхона таъсисчиси Шомурод Шоҳакимов. – Турдош корхоналар ўртасида рақобат муҳити вужудга келган. Бунда ишни кўзини билганларгина ютиб чиқади. Шу сабаб, биз маҳсулотларимизнинг сифатини биринчи ўринга қўйиш асосида ишни бошладик. Бугунги истеъмолчилар сифатни қадрлашади.

Раҳбар ўз фикрини исботлаш учун "Водолей" номи берилган хўжалик совунини қўлига олиб, таърифини келтира бошлади. Унинг айтишича, ушбу совунлар 100 фоиз пальма ёғидан тайёрланар экан. Бу эса, уларнинг сифатини янада оширади. Агар бошқа корхонадагиларга ўхшаб, пахта хом ашёси қўшимчаси қўшилса, совун қорамтир бўлиб қолар экан. Натижада унинг кўримлилиги йўқолади.

– Совунларимиз билан ҳатто муздек сувда ҳам кир ювиш мумкин, – дея суҳбатга қўшилди иш юритувчи Баҳодир Зиёдов. – Совун таркибидаги қўшимчалар сувни юмшатиб бериши ҳисобига, бемалол кирингизни ювишингиз мумкин. Бу совун сувда узоқ қолиб кетса ҳам ивиб кетмайди.

Бу ерда ўрнатилган технологик линиялар бир кунда 6 тонна кукун, 1 тонна гель, 15 минг дона совун, 1200 дона тозалаш кукуни ишлаб чиқариш қувватига эга. Оёққа энди тураётган корхона ҳозирча бу қувватда ишлашга етибборгани йўқ. Орадан кўп вақт ўтмаган бўлсада, натижалар чакки эмас. Маълумотларга қараганда, бир ойда 15 миллион сўмлик, 3 ойда эса 50 миллион сўмлик маҳсулот мижозларга етказилди.

Технологлар Отабек Исоқбеков ва Музаффар Шамсихўжаев ўз ишининг усталари. Қайси қўшимчани қўшса, маҳсулотнинг сифати янада ошади, деган саволга жавоб беришда улардан ўтадигани йўқ.

Сифатли маҳсулот фақат сифатли хом ашёдан тайёрланади. Бу ҳеч кимга сир эмас. "AQUARIUS GROUP" МЧЖ Эрон давлати билан "ЛАПС Анкел бензол" сульфат кислотаси харид қилиш бўйича ҳамкорлик қилаётган бўлса, россияликлар каустик сода ва крахмалнинг кетини узмай, етказиб туришибди. Қўнғиротдан концентратланган сода олиб келинмоқда.

Ҳозир корхонада 12 ишчи меҳнат қилмоқда. Яқинда иккинчи смена ҳам очилади. Бу қўшимча яна 15 та бўш ўрин дегани. Ишчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб ҳавасингиз келади. Ювиниш, кийиниш, ошхона улар хизматида.

– Келгусидаги режаларимиз бисёр, – дея фикрини давом эттирди Шомурод Шоҳакимов. – Бу йил 250 граммли идиш-товоқларни ювиш воситалари, 160 граммли хўжалик совуни, кийимларни қўлда ва машинада ювиш учун 450, 600, 900 граммли қилиб қадоқланган кукунлар ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари, шампунь ва атир совун чиқариш линиялари ҳам ишга туширилади.

Маҳсулотларнинг хушбўйлигини ошириш учун лимон, денгиз ифорларидан қўшимчалар қўшилади.

Яна бир маълумот. Ҳозир корхона маҳсулотлари Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда водийга тарқатилмоқда. Келгусида бу рўйхат янада кенгаяди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



**СУРАТДА:** (ўнгдан) корхона таъсисчиси Шомурод Шоҳакимов технолог Музаффар Шамсихўжаев билан маҳсулотларнинг сифатини янада ошириш бўйича маслаҳатлашмоқда.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Томчилатиб суғориш

# ҚУЛАЙ, ТЕЖАМЛИ, СЕРДАРОМАД

**Экинларни суғоришнинг янги, самарали ва фойдали усуллари тобора кўпроқ жорий этилмоқда. Мавжуд сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкорликни таъминловчи томчилатиб суғориш технологияси шундай замонавий усулдир.**



Бу технология сув билан бирга зарур ўғитларни бевосита экиннинг илдиз қисмига етказиб бериш тизимидир. Қурғоқчил иқлим ва сув танқислиги мавжуд ҳудудларда ушбу технологиядан фойдаланиш жуда самарали.

Томчилатиб суғориш жўяк ва ёмғирлатиб суғориш усулидан кўпгина афзалликлари билан фарқ қилади. Сув экинга бир меъёр ва зарур миқдорда келиб туради. Ўсимликка қанча сув керак бўлса, шунча берилади. Ортиқча сув сарф қилинмайди. Экинни сув босиши, кўлланиши, қатқалоқ ва сув исроф бўлишига йўл қўйилмайди.

Томчилатиб суғориш технологияси лойиҳаси Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар дастури томонидан Наманган вилояти Уйчи туманидаги "Жамолиддин Сардор Ҳамкор" фермер хўжалигида амалга оширилди. Фермер Абдулвоҳид Болтабоев бу технологиядан фойдаланиб, қўшнилар бир гектар ердан 15-21 центнердан пахта ҳосили олган бир пайтда ҳосилдорликни 38 центнерга етказди. Сув 3 баравар, минерал ўғитлар 50 фоиз, ёнилғи 58-60 литр кам сарфланди.

Кичик грантлар дастури ассистенти Маҳсад Бауетдинов ушбу тизимнинг афзалликлари тўғрисида шундай дейди:

– Томчилатиб суғориш замонавий усул бўлиб, сарфланаётган сув экин илдизига деярли тўлиқ етиб боради, минерал ўғитлар оптимал даражада тежалади. Экин ҳосилдорлиги 30-50 фоиз ошиб, эрта етилади. Бу усулда экин ёки дарахтлар қатор оралари қуруқлигича қолиб, бегона ўтлар бўлмайди. Яна бир муҳим жиҳати шуки, томчилатиб суғориш учун булоқ, сой ва кўл сувларидан фойдаланиш мумкин.

Суғориладиган деҳқончиликни барқарор ривожлантириш Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар дастури лойиҳасида таъкидланганидек, томчилатиб суғориш тизимларидан фойдаланиш муддати 10 йил бўлиб, қурилмага сарфланган сармоя пахтачиликда 10 гектар ҳисобида 4,2 йилда, боғдорчиликда 2 йилда қопланади. Бунда асосий молиявий фойда ҳосилдорлик ошиши ҳисобига олинади. Пахтачиликда фойда 76 фоиз, буғдой етиштиришда 86 фоиз ва боғдорчиликда (олма) 96 фоизга тенг.

Мамлакатимизда томчилатиб суғориш тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу усулга ўтган хўжаликлар 5 йил муддатга ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

Ўрта Чирчиқ тумани сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ўткир Нурматов бу ҳақда шундай дейди:

– Экинларни томчилатиб суғориш усули насос билан сув олинадиган ерларни суғоришда жуда қулай ва самаралидир. Бунда сув тўла тежалади. Электр энергияси кам сарфланади. Сув танқислигининг олди олинади.

– Томчилатиб суғориш технологияси бизда қизиқиш уйғотмоқда, – дейди Юқори Чирчиқ туманидаги "Алмат ота" фермер хўжалиги раҳбари Усмонали Қуттибоев. – Лойиҳа ҳисоб-китоблари билан танишиб чиқдик. 10 гектар ердаги боғга бу қурилмани ўтказиш учун 50 миллион 360 минг сўм сармоя сарфланиб, бу харажат ҳосилдорлик ошиши ва бошқа омиллар ҳисобига 2 йилда қопланар экан. Сув тақчил бўлган қирли ҳудудларда бу технологиядан фойдаланиш фермер хўжалигига янги имкониятлар яратади, деб ўйлайман.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**

"Болалар ёзи – 2013"

# СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАРДА ДАМ ОЛИШМОҚДА

**Мамлакатимизда ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини самарали ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Тошкент вилоятида жорий мавсумда 27 минг нафардан зиёд ўқувчини кўнгилдагидек дам олиш режалаштирилган. Шундан 11 минг 200 нафар ўқувчи шаҳардан ташқарида жойлашган 13 стационар, қолгани мактаб ва коллежлар қошида ташкил этилган 123 кундузги оромгоҳда соғломлаштирилади. Меҳрибонлик уйларининг 120 нафар тарбияланувчиси имтиёзли тарзда дам олади.

Айни пайтда оромгоҳларда ўқувчиларнинг ёзги таътилини кўнгилдагидек ташкил этиш, кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини кенг жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

– Вилоятимиздаги мавжуд оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишлари ўз вақтида бажарилди, – дейди Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ж. Саидов. – Асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдали ташкил этиш, саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, улар ўртасида маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва танловларни мунтазам ўтказишга қаратилди. Барча оромгоҳда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхоналар, турли тўгараклар ташкил этилди.

Ёзги мавсумда кундузги оромгоҳлар фаолияти самарали ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда 60 таълим муассасаси қошидаги оромгоҳда 4 минг 815 нафар ўқувчи соғломлаштирилмоқда.

– Ёзги оромгоҳларда болаларнинг нафақат дам олиши, балки ўқув йили давомида олган билимини мустаҳкамлаши учун ҳам қулай имкониятлар яратилган, – дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ўрта Чирчиқ тумани кенгаши раиси М. Давлатов. – Туманимиздаги тўққизта мактабда ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида 900 нафар бола таътилни мароқли ўтказмоқда. Мавсум давомида яна шунча ўсмир дам олади. Бу ерда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари, турли машғулотлар ўтказилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган маърифий-маданий тадбирлар, мушоиралар, давра суҳбатлари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар ҳам ташкил этилаётир.

Ёзги таътил давомида жамоалар ва оромгоҳлар ўртасида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари ҳам болаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**ЎзА.**

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ногиронлар)ни қўллаб-қувватлаш, "Меҳрибонлик" уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, ногирон болалар саломатлигини тиклаш мақсадида қатор амалий ишларни амалга оширмоқда.**

# ТАЪТИЛ СОЗ ЎТМОҚДА

Уларнинг таътилларини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида ёзги ва қишки оромгоҳлар ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири вилоятимизнинг Бўстонлиқ туманидаги "Оқтош" кимёгарлар оромгоҳида ўтказилди. Бу ерда Тошкент шаҳри ва вилояти меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 150 нафари бепул дам олдирилди. Барча шароитлар муҳайё этилган оромгоҳ, таниқли шоир, ёзувчи ва санъаткорлар билан ўтказилган учрашувлар болаларга кўтаринки кайфият бағишлади.

**Саида РАҲМОНОВА.**



Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

# БОБО ҒОЗИЙ

**Бутун Тошкент воҳасида бўлганидек, Пискент туманида ҳам диққатга сазовор қадимий ёдгорликлар кўп. Биз уларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қилишга улгурдик. Бироқ, ушбу тарихий жойларга оид ривоят ва афсоналар ҳали-ҳануз вақтли матбуот орқали лозим даражада ёритилгани йўқ. Кейинги уч-тўрт ўн йилликлар давомидаги ҳаёт тарихимизнинг узоқ ўтмишдаги воқеа-ҳодисалари ҳақидаги таассурот ва тасаввурларимизни бойитиб борди. Тўғри, улар у қадар йирик бўлмаслиги мумкин. Аммо, арзимасдек туюлган ҳар қандай кичик ўзгариш илгарилари битиб қолдирилган ривоят ва афсоналарни янада тўлдириб бориши билан муҳимдир.**

Пискентдан Олмалиққа олиб борувчи йўл беқиёс гўзал. У ободонлаштирилган, равон ва замонавий, шунингдек узоқ ўтмиш воқеа-ҳодисалари билан боғлиқ сир-синоатларга ҳам эга.

Масалан, йўлнинг Бобо Ғозий Турк Тоғон қабристони жойлашган қисмига назар ташлайлик. Дарвозадан узоқ бўлмаган жойда, тепалик устида зангори гумбазли чиройли мақбара бор. Бу – Бобо Ғозийнинг тахмин қилинган қабри. Уни илгари шундай аташган. Илмий адабиётларда, аниқроғи, ўзбек археологларининг ёзма ишларида бу жой Боғузиён ота деб номланган бўлиб, у Пискентнинг энг қадрли қадамжоларидан бири.

Ушбу мозор 1934 йилда таниқли археолог, шарқшунос-тарихчи Михаил Массон томонидан маълум қилинганди. Ўша пайтга келиб, квадрат шаклдаги ва зангори гумбазли бу мақбара қайта қурилган эди. Бу афтидан, ўтган асрнинг бошларида юз берган.

Кексаларнинг айтишларига қараганда, аввалги асрнинг ўрталаридаёқ бу ерда мақбара бўлган ва ихлос қилганлар келиб туришган. Бугун зиёратгоҳнинг кўриниши ўзгача. Таъкидлаш жоизки, у меҳр билан қурилган. Унга беҳисоб зинали оппоқ йўл орқали борилади. Мақбара тепаликнинг энг баланд жойида бўлиб, узоқ-узоқлардан кўзга яққол ташланиб туради. Гўзал трассадаги ўзига хос ёрқинликни кўз билан кўриб, қалбдан ҳис қилиб турасиз. Бу ёруғлик мақбаранинг оддий деворлари ва зангори гумбазидан таралиб туради. Шунингдек, пойдевору деворларга қўйилган ҳар бир тош ҳам гўё нур таратиб тургандек.

Боғузиён ота ҳақида бир нечта афсонаю ривоятлар сақланиб қолган. Улардан бирида айтилишича, Боғузиён ота бу ерга пайғамбарнинг топшириғи



билан келиб, ислом нури ва маданиятини тарқатиш билан шуғулланган. Эътиқод душманларига қарши жангларда қатнашиб, ҳалок бўлган ва шу ерга дафн этилган. Бошқа бир афсонада келтирилишича, у душманларга қарши бир ўзи курашган ва ҳалок бўлгач, жасади кўздан ғойиб бўлган.

Аммо, афсоналар ичида битта энг қизиғи борки, унда айтилишича, Боғузиён ота ёки Бобо Ғозий ўзи билан ўзи курашган. Яъни, ўз нафсини тийишга, қалбини фоний ҳаёт истакларидан фориғ этган ҳолда Аллоҳ руҳсорига етишишга ҳаракат қилган. Унинг ибодатлари шу қадар соф ва ёрқин эдики, чор-атрофни ёруғликка буркарди. Ушбу нур унинг юрагидан таралarди гўё.

Вилоятимизнинг катта-кичик йўлларида буюк аждодларимиз қолдирган излар бисёр. Булар қабрлар, ўша мўътабар зотларнинг қачонлардир қўллари теккан тош ва дов-дарахтлардир. Айтиш мумкинки, ушбу ёруғлик буюк қалб эгалари бўлган табаррук аждодларимиздан бизга боқий мерос бўлиб қолди. Токи биз бу фоний дунёда бахтиёр яшайлик, яратайлик, қувнайлик ва шу тариқа она заминимизни безайлик.

Биз пискентлик фидойи инсон, физика фани ўқитувчиси, ўлкашунос, ёзувчи Ориф Обидов билан кўп йиллардан буён дўстона муносабатда бўлиб, ҳамкорлик қиламиз. Бу ғайратли, тиниб-тинчимас, ўз тумани, ўз воҳасига чуқур меҳр қўйган киши ўлканинг кўп тарихий воқеа-ҳодисаларидан хабардор ва уларни хотирасига мустаҳкам жо қолган. Ҳақиқий тарихчи-тадқиқотчи, табиат ажойиботларини юксак қадрловчи Ориф Обидов етмиш ёшдан ошган бўлишига қарамай, ҳамон тетик, руҳан ёш, қалби қайноқ. Истагимиз ўзларини ўта банд қилиб кўрсатувчи айрим мутасадди раҳбарларимиз ва ёш олимларимиз Ориф акадан ибрат олиб, воҳага эзгулик таратиб турувчи ушбу муқаддас қадамжога беписанд муносабатда бўлмасалар. Бу шунинг учун ҳам зарурки, асрлар оша қадрлаб, эъзозлаб келинган ушбу бебаҳо маънавий хазинадан ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда оқилона фойдаланиш лозим. Биз маънавий қадриятларимиз дея атовчи тарихий бойлигимизни янада тўлдириш ва авайлаб-асраш учун ҳам бу жуда муҳимдир.

Она замин хотиротлари фақат тарихий ёдгорликлардангина иборат эмас. Умри, бутун ҳаёти ижодиёт ва ёритиш истаги билан нурафшон бўлган, то тирик экан фақат Она замин равнақига хизмат қилган одамлар унинг хотиротлари дурдоналари ҳалқасидаги нурли маржонлардир. Бобо Ғозий, Боғузиён ота ёки бугунги кунда шундай аташаётган Бобо Ғозий Турк Тоғон ҳам ана шундай табаррук инсонлардан. Унинг мақбараси Пискент – Олмалиқ йўлида ёруғлик таратиб турибди.

Бу йўл шу зангори осмон гумбази остида бахтиёр яшаш ва меҳнат қилиш иштиёқида ёнган миллионлаб қалбларга туташдир. Зеро, яшаш учун тинимсиз меҳнат қилмоқ лозим.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**

Савол беринг, жавоб оласиз

# ИШОНЧНОМА ҚАЕРДА ТУЗИЛАДИ?

**– Ишончнома нима ўзи? У қанча муддатга тузилади?**

***О. Сафаров, Чирчиқ шаҳри.***

– Бир шахс томонидан иккинчи шахсга учинчи шахслар олдида вакиллик учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома юридик шахснинг низомида кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб, бир йил давомида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий бўлмайди. Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилгунича ўз кучини сақлаб туради.

**– Бирон яқин одамимга нафақаларимни олиб туриши учун ишончнома берсам бўладими? Ишончноманинг қандай шакллари бор?**

***Д. Омонова, Бекобод тумани.***

– Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади. Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёки юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

**– Ишончнома қай ҳолатларда бекор қилинади?**

***М. Аҳмаджонова, Тошкент шаҳри.***

– Ишончноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ишончнома муддатининг тугаши; ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши; ишончома берган шахснинг бош тортиши; номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши; ишончнома берган ёки олган фуқаронинг муомилага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисоблангандa ёки вафот этганда.

**ЭСЛАТМА**

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса ундан воз кечиши мумкин. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги битим ҳақиқий эмас.

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотади.

**Саволларга нотариус Машҳура РАҲИМХЎЖАЕВА жавоб берди.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2010 йил 9 августдаги №1-33/2010-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 53 660 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод 2-даҳаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 60,96 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонадан иборат 6-хонадон қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 30 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 5-уй, 4-хонадон. Бошланғич баҳоси – 24 041 385 сўм. 2. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 12.07.2011 й. № 1-246-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, А. Темур кўчасида жойлашган чойхона дўкон ҳовлиси билан. Бошланғич баҳоси – 198 759 149 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Яккасарой тумани СИБ томонидан 06.05.2013 й. № 1-1415/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ц-13-мавзеси, 28-уй, 13-хонадон. Бошланғич баҳоси – 199 687 500 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 30 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсаттан ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

**"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкаларини беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли қарори ҳамда 2013 йил 22 майдаги 31-сонли баёнига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш хуқуқлари танлов савдоларига қўйилмоқда:

1. Омухта ем сотиш шахобчаси биноси қурилиши учун Тошкент вилояти, Пискент тумани, "Муротали" ҚФЙ, А. Навоий номли ф.х.у. ҳудудида жойлашган 1 дона, майдони 0,02 га бўлган ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 799 500,0 сўм.

2. Макарон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун Тошкент вилояти, Пискент тумани, "Муротали" ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона, майдони 0,067 га бўлган ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 2 398 500,0 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари Пискент тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган топшириқ асосида белгиланади.

Танловда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомаларни икки нусхада тақдим этадилар:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнма;

– танлов ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ҳуқуқнинг минимал қийматининг 10 % дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжат нусхаси;

– танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда қатнашиш учун талабгорлардан буюртманомалар ҳар куни (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва 2013 йил 28 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Пискент туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 29 август куни соат 12:00 да очилади ва 2013 йил 29 август куни соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Танлов комиссияси томонидан энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади. Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулларининг тўланиши учун танлов ташкилотчиси "Capital Realtor Group" МЧЖ-нинг банк реквизитлари: ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиали, 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Танлов ҳужжатларини олиш, буюртманомаларни топшириш ҳамда маълумотлар учун манзил: 100022, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел/факс: (8-371) 250-1924. E-mail: info@realtgroup.uz, www.realtgroup.uz. Лицензия: RR-0017.






Шайхонтоҳур туман ТСРЎИ томонидан 2012 йил 4 сентябрда № 006219-09 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "145-AVTOTRANSPORT KORXONASI" (ИНН 200547524) МЧЖ "GARANT INVEST TRANS" МЧЖга ўзгариши ҳамда "GARANT INVEST TRANS" МЧЖ "145-AVTOTRANSPORT KORXONASI" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олишини маълум қилади.

"MAKO COLLECTION" хусусий корхонаси "ZOLUSHKA FASHION" МЧЖга қўшилиши ҳамда "ZOLUSHKA FASHION" МЧЖ "MAKO COLLECTION" хусусий корхонасининг ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади.

"SILVER FISH" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва номи "SILVER FISH" шўъба корхонасига ўзгариши ҳамда "SILVER FISH" шўъба корхонаси "SILVER FISH" МЧЖнинг ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади.

Зангиота туман пенсия жамғармаси томонидан 2011 йилда Абдурахимов Шавкат Омонович номига берилган № 12022 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "KAR MOTOR SERVIS" (ИНН 300817097), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района за № 001631-06 расположенное по адресу: ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес: ул. А. Ахматова (Сугдиёна), д. 20 переименуется в ООО "EUROSTAR MOTORS".

Претензии принимаются по тел.: 968-88-57.

Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2010 йил 10 февралда № 18/1322 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "MAMAJONOV SHAVKAT" (ИНН 301490546, ОКПО 23179214) хусусий корхонаси ихтиёрий **ТУГАТИЛАДИ** (асос: 2013 йил 29 июлдаги 2-сонли қарор).

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Оққўрғон тумани, А. Навоий кўчаси, Деҳқон бозори ҳудудидаги хусусий дўконда қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: (+99890) 966-13-56.

Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2010 йил 10 февралда № 18/1322 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "MAMAJONOV SHAVKAT" (ИНН 301490546, ОКПО 23179214) хусусий корхонасига тегишли бўлган давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асли йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей томонидан 2013 йилда Мухамедходжаев Суннатулло Кабилджанович номига берилган № 183673 (рўйхат рақами 257) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 15.08.2008 йилда № 002377 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "RUSTAM-DOSTON FAYZ" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

"SONNA" масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармаси 33 800 000 сўмдан 3 200 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"DIAMANTE GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг устав жамғармаси 2 587 500 000 сўмдан 2 335 500 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Маънавият

# ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ...

**"Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам!.." Бу – Ҳадис илмининг султони, "Имомуд-дунё" – бутун дунё имоми дея тан олинган ватандошимиз, буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратларининг эътирофи. Дарҳақиқат, дунё илм билан қоийимдир, дунёнинг ҳикмати, бардавомлиги илм заҳматкашлари – олимлар хизмати билан таъминланади. Шу сабабдан ҳам илм соҳиби, илм заҳматини чеккан зот Яратган олдида ҳам, дунё аҳли олдида ҳам ҳамиша қадрланади, шараф топади. Зеро, Қуръони Каримда бу ҳақда: "Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даража ва мартабаларга кўтарур" дея ваъда қилингани бежиз эмас.**

Айрим дин мухолифларининг талқинига қарши ўлароқ, Қуръони Каримда фақат диний илм олишга чақирилмайди. Агар шундай бўлганида дунё тамаддуни, илм-фани тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган буюк алломалар Ислом дунёсидан, хусусан бизнинг Туркистон заминимиздан етишиб чиқмаган бўларди. Нью-Йорк университети профессори Дрибер: "Мусулмонлар қадимги илмларни жуда ҳам ривожлантирдилар. Айни чоқда ўзларидан аввал маълум бўлмаган илмларни кашф этдилар" дея эътироф этган бўлса, профессор Седилат "Мусулмонлар ўрта асрларда илм-фан ва фалсафада ягона эдилар. Улар бу нарсаларни қадамлари қаерга етса, шу ерга тарқатдилар" деб ёзади. "Агар тарих саҳнасида мусулмонлар пайдо бўлмаганида Оврупонинг уйғониши бир неча асрларга орқага сурилар эди", бу – профессор Либрининг гапи. Бундай одилона эътирофлардан ҳам маълум бўладики, Қуръони Каримда илм диний ва дунёвий дея ажратилмайди ва борлиқ моҳиятини, дунёю дун сир-асрорини илм билан англашга даъват этилади.

Нақл қилишларича, подшои одил Ҳорун ар-Рашид ўз ҳузурига дунё кезган мусофирларни чорлаб, саргузаштлар эшитишни яхши кўраркан. Ва уларга эшитганингдан эмас, кўрганингдан гапир, дер экан. Яъни, дунё кезган, дунё кўрганлар сўзи унинг ҳузурида эътиборда бўларкан. Шундан келиб чиқиб, ўтмиш алломаларимизнинг (Имом Бухорий, аз-Замахшарий, Фарғоний, Хоразмий, Қаффол Шоший, Форобий ва бошқ.) аксари илм йўлида дунё кезган, дунё кўрган инсонлар бўлишган. Биргина Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144) ҳазратларини оладиган бўлсак, у ногирон



ҳолида (бир оёғи ёғочдан) дунёнинг ўнлаб давлатларида бўлади. Хоразмнинг Замахшар қишлоғида дастлабки сабоқни олгач, Бухорога кетади. У ердаги мадраса таълимини тугатгач, маълум давр хоразмшоҳлар саройида хизмат қилади. Ёшлигидан илмга чанқоқ йигит ўз фаолиятидан қониқмай, ўша давр илм-фан маркази Бағдодга жўнайди. Бу ерда ҳадис, фиқҳ, наҳв, луғат илмлари бўйича пешқадам олимлардан сабоқ олади. Сўнгра Нишопур, Исфаҳон, Марв, Шом, Ҳижоз шаҳарларида бўлади. Айниқса, Макка шаҳрида бир неча йил турғун яшаб, кўплаб асарлар яратади. Унинг араб тили грамматикасига оид машҳур "Ал-Муфассал" асари шу ерда – Каъбатиллоҳ яқинидаги мўъжаз ҳужрасида ёзилади. Ўзи ўзбек бўла туриб, араб тили грамматикасини яратиши, араблар эътирофини қозониши, Жориллоҳ (Аллоҳнинг қўшниси) деган шарафли унвонга сазовор бўлиши, бундан ташқари луғатшунослик, адабиёт, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид элликдан ортиқ асар ёзиб қолдириши... булар барчаси илмга садоқатнинг, фидойиликнинг энг гўзал намунасидир. Хожа Аҳмад Ясавий ҳазратлари таъбири билан айтганда "ёстиғин тошдан яратган" бундай мутафаккир алломаларимиз олис юртларда, мусофирчиликда илм йўлида хизмат қилиб, заҳмат чекиб, чинакам доврuқ қозондилар, умумбашар фарзандларига айландилар. Айни чоғда, улар ўзлари мансуб бўлган миллат ва Ватани номини ҳам дунёга танитдилар...

Истиқлолнинг аввалиданоқ биз ўтмишда ўтган улуғ алломаларимиз меросига мурожаат қилдик. Уларнинг асарларини ўрганиш, халқимизга етказишга интилдик. Юртбошимиз юритган оқилона сиёсат асосида диний-миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни тиклашга, таълим-тарбия тизимини миллий асосда қайта шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Айниқса, 1997 йил қабул қилинган уч босқичли "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бу борада жиддий қадам бўлди. Мамлакатимизда юзлаб мактаблар қурилди, неча минглари таъмирланди. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, лицей-интернатлар барпо этилди. Олий ўқув юртлари сони ортди. Ҳозирги кунда 20 та университет, қирқдан ортиқ институтнинг бакалавриат ва магистратураларида минглаб йигит-қизларимиз таҳсил олишмоқда.

Диний бўлсин, дунёвий бўлсин – илмнинг моҳияти бир: инсонни ўзлигини англашга, ўз азизу мукаррамлигига муносиб тарзда ҳаёт кечиришга ўргатади.

*"Ўқув қайда бўлса –*
*улуғлик бўлар,*
*Билим қайда бўлса –*
*буюклик бўлар..."*

деган эди Юсуф Хос Ҳожиб ҳазратлари бундан тўққиз ярим аср муқаддам яратилган "Қутадғу билиг" асарида. Шундай, илм буюклик келтиради. Инсон камолоти, жамият тараққиёти, дунё бардавомлиги илм билан. Албатта, биз доврuқли алломаларимиз билан фахрланарканмиз, улар ҳақида ҳайрату ҳавасла сўз юритарканмиз, умид қиламизки, бугунги ёшларимиз орасида ҳам ана шундай буюк зотлар камолга етаётган бўлса ажабмас!.. Бир замонлар дунёни лол қолдирган юзлаб, минглаб алломаларни дунёга келтирган бу қадим замин яна ўзлигини намоён қилади. Зеро, донишманд халқимизнинг **"оққан дарё оқади"** деган некбин ақидаси ҳам бизга шундай ишонч беради!..

**Қурбонали ТУРСУНОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

Спорт

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!



**Мўғулистонда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича кадетлар ўртасида Осиё чемпионати якунланди. Қитъамизнинг ўндан зиёд мамлакатидан уч юз нафарга яқин спортчи иштирок этган мусобақада юртимиз полвонлари икки олтин, икки кумуш ва бешта бронза медаль жамғарди.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарорига биноан истеъдодли ёшларни кашф этиш, тажриба ва маҳоратини ошириш орқали олимпия захираларини бойитиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чемпионатнинг юнон-рум кураши баҳсларида 46 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Илҳомжон Баҳромов қозоғистонлик Азамат Биссенгалиев, тожикистонлик Фаридун Тиллоев ва ҳиндистонлик Ражеш Ражешни мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони бўлди.

Ёш полвонларимиздан Қамариддин Зайниддинов ва Исломиддин Неъматов кумуш, Далер Раҳматов, Мирзобек Раҳматов ҳамда Жаҳонгирмирзо Нурматов бронза медални қўлга киритди.

Эркин кураш бўйича 50 килограмм вазн тоифасида Аббосбек Раҳмонов мўғулистонлик Гундсамбуу Базардари, қозоғистонлик Мақсад Боймуҳаммедов ва Корея Халқ Демократик Республикаси вакили Хан Сонг Ким устидан зафар қучиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Яна бир истеъдодли эркин курашчимиз Санжар Машарипов шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар ўртасида Х.Норбоева ҳам Осиё чемпионатини учинчи ўринда якунлади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳажвия

# ТОРМОЗНИ БОС!



Дўлёғди деган дўлваргина, исми-жисмига монанд, турган-битгани ваҳимадан иборат қўшним бор. Ўшанга, машина анқонинг уруғи бўлган замонда ижроқўмдаги танишларга айтиб, "Жигули" автомашинаси олишига кўмаклашгандим. Машиналик бўлган куни у ҳовлига пориллаб кириб: "Қўшни, мана, арғумоқ остимизда, ўғил правали бўлиши билан кўнглингиз тусаган томонларга сайр қилдириб келаман!" деди ўзига сиғмай. Орадан анча вақт ўтиб, қўшнининг ваъдаси ёдимдан кўтарилай деганда, у ҳовлига ҳарсиллаб кириб:

– Эртага, дам олишда зарил ишингиз йўқмиди? – деб сўради.

– Йўқ, нимайди?

– Йўқ бўлса, сафар тадоригини кўриб, саҳарда шай бўлиб туринг, арғумоқда водий томонларга сайр қилдириб келмоқчийдим! – деди тантанавор оҳангда.

Биров машинасида сайр қилдираман, деса ёқмайдими? Сафархалтага топган-тутганни солиб, қўшнининг "арғумоғи"да саҳарлаб йўлга чиқдик. Уни Дўлёғдининг ўғли бошқариб борарди. Биз орқа ўриндиқда ялпайиб, тонгги боғларга, яшиллиги уфқларга туташган дала, тоғларга суқланиб қараб, гурунглашиб кетаётувдик, шу пайт қўшним нимадир ёдига тушди, шекилли, ўғлининг елкасига қаттиқ туртиб:

– Тормозни бос! – деб буюрди бўғиқ овозда.

Тез кетаётган машина чийиллаб тўхтади.

– Нима бўлди, уйда бирорта зарур нарсани унутибсизми? – дедим ҳайратланиб.

– Балонни единг, қовоқмия! – увлади Дўлёғди кабинадан апил-тапил тушар экан.

– Ўзингиз, тормозни бос, дедингиз-у! – деди ўғил изза бўлиб.

– Бос, деса босаверадими?! – чийиллади ота. – Шўпирликка ўқиганинг шумиди?!

У жавраганича, машина олдига ўтиб буюрди:

– Капотни оч!

Ўғил ўтирган жойида елка қисиб, капот ричагини тортди.

Гап нимадалигига ҳамон ақлим етмай, Дўлёғдининг кескин ҳаракатларига анграйиб қараб қолдим. У капотни очиб, қўлини моторга теккизди-да, қаттиқ бош чайқаб:

– Ўргилдим сендақа шўпирдан, моторни қиздириб юборибсан! – деди куюниб. Ялпайиб ўтириш ноқулай бўлиб, кабинадан тушиб, унинг ёнига бордим.

– Мана, қўшни, ёшларнинг аҳволини кўринг! – деди Дўлёғди алам билан. – Бу жунбошлар мошинни босиб минишни билишади, аммо авайлашни ўйлашмайди! Мотор совисин, кейин юрамиз.

– Дада, мотор қизимаган, ишлаганда исийди...

– Сен ақл ўргатмай, хап тур, хўпми?! Сервисдаги уста нима деганди, мотор янгилигида қизимасин, демаганмиди?!

Биз яна йўлга тушдик. Энди негадир гапимиз қовушмас, атрофдаги яшил боғлару зангор тоғлар ҳам аввалги тароватини йўқотган эди. Ўзимни машинада ортиқча юкдек сезиб, сиқилиб борардим.

– Энди мошиндиям одамдек авайлаб-асраш керак, – деди Дўлёғди ўртага чўккан ноқулай жимликни йўқотиш учун. – Мошин деганлари пирлик нарса...

– Дада, магнитофонни қўйсам майлими? – ботинмайгина сўради ўғил.

– Аккумляторга зарари йўқми унингни?

– Нега зарари бўлар экан?..

– Зарари бўлмаса, майли, қўй! – буюрди Дўлёғди. – Энди, қўшни, аккумлятор деганиям анқонинг уруғи экан.

Магнитофондан хонанданинг "Қўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр" қўшиғи янграй бошлади.

– Мана сизга қўшиқнинг аҳволи! – Дўлёғди худди аччиқ нарса чайнаб олгандай, афтини буриштирди. – Бугунги ёшлар кўнглидагиниям, қўйнидагиниям тап тортмай, ашула қилиб айтади!

Дўлёғди яна анча жойгача ёшларнинг қўшиқларида парда йўқлиги ҳақида жавради, кейин ўғлининг елкасига қаттиқ ниқтаб:

– Бас, тўхтат, индамаса ярим соатдан бери довонда моторни қийнаб, қиздириб келяпсан, – деди.

Ўғил отанинг ғалати дашномларидан тоқати-тоқ бўлди шекилли, тормозни аввалгидан ҳам кескин босди. Машина ғилдираклари чийиллаб, анча жойгача сирғалиб бориб, тўхтади.

– И-и-и, ғилдиракни единг! Нақ миямни асфальтга ишқадинг-а, нобакор! – дея Дўлёғди увлаб бошини ушлади. – Сен бола ўзи кичкиналигингда нарсанинг қадрига етмасдинг! Бунга на кийим, на ўйинчоқ чидарди!

Дўлёғди жавраганча, кабинадан тушиб, капотни очди-да, моторга қўлини теккизиб, бошини қаттиқ чайқади.

– Айтдим-а, қизиди деб! – нола қилди у.

Дўлёғдининг ҳар ярим соатда машинани тўхтатиб, мотор тепасида жазавага тушишлари сайрга бўлган иштиёқимни сўндирган, ўзимни ёмон ҳис қила бошлаган эдим.

– Янги мотор шунчалик тез қизишига ҳайрон бўляпман, – деди Дўлёғди навбатдаги "мотор совиши"дан кейин жойимиздан қўзғалар эканмиз.

– Сизни сервисдагилар боплашибди, – дедим жиддий оҳангда. – Янги моторни эскисига алмаштириб беришган...

– Йўғ-е?! – Дўлёғдининг кўзлари косасидан чиққудек бўлди. – шунақасиям бўладими?!

– Бундан баттариям бўлади, – қизиб турган чўққа ёғ сепишда давом этдим. – Ҳатто биттасининг яп-янги "Жигули"сини эскисига алмаштириб беришган экан.

– Қ-қ-қандай қилиб?!

– Ўшаникидай бўёққа бўяшган. Устаси уста бўлади-да!

– Вой ярамаслар, вой юҳолар! Тағин ҳам замонни ер ютмайди! – Дўлёғди бошини ушлаб, увлашга тушиб кетди.

– Дада, амаким ҳазиллашяптилар, – деди ўғил отасининг ҳолатидан ноқулай аҳволга тушиб.

– Сан билмаган нарсага аралашмай, йўлингга қара! – бўкирди Дўлёғди.

– Амаки, дадам ҳазилни тушунмайдилар, – деди ўғил сиқилиб. – Машина олганларидан бери, шунақа, ғалати бўп қолганлар.

Дўлёғди моторни "совитиш" учун яна машинани тўхтатганида кабинадан тушибоқ, қаршидан келаётган енгил машинага қўл кўтардим. У ёнимга келиб тўхташи билан ҳайдовчининг ёнига ўтира солиб:

– Ҳайданг, илтимос! – дедим.

– Қаёққа борадилар? – ҳайратланиб сўради ҳайдовчи.

– Анови, капотга бошини тиқиб турган одамдан узоқроққа!

Машина жойидан қўзғалиб, тезлашганида Дўлёғди орқада қўл силтаб, нимадир деб қичқириб қолди.

**Дилфуза АКБАРОВА.**

Рассом хандаси




# БЕЛГИЛАРГА КИМЛАР ДАЪВОГАР?

**& – амперсанд.** Жуда чиройли, жимжимадор бу белги бор-йўғи ("и") "ва" дегани. Гап шундаки, and ("и", "ва") кўмакчиси ўрнига ишлатилувчи бу белги европаликларга шунчалик ёқиб қолдики, ҳатто улар уни ўз алфавитларига 27-ҳарф деб ёзиб қўйишди. Барча чалкашлигу, тушунмовчиликлар шундан сўнг бошланди. Сабаби, & белгини "и" деб ўқишарди, алфавитда эса ҳақиқий "и" ҳарфи бор эди-да! Шунда ҳаммага қўшимча тарзда & мустақил ҳарф эмас, деб тушунтиришга тўғри келди. Ўқилганда: "And, per se and", яъни "амперсанд" келиб чиқди.

Бу воқеа эрамиздан аввал содир бўлганди. Белгини яратилиши шахсан Цицероннинг котиби Марк Тулли Тиронга тегишли. У гапга чечан хўжайинининг узундан-узоқ жумлаларини стенография қилиб улгуролмаганидан, бирталай қисқартмалар ўйлаб топарди. Улар қаторида & – амперсанд ҳам бор эди.

**@ – кучукча** – бу қулай ва керакли белгини яратилишига кўп давлатлар даъвогарлик қилишади. Жумладан, итальянлар бу белгини биз ихтиро қилганмиз дейишади. Айтишларича, флоренциялик мусаллас савдоси билан шуғулланувчи тадбиркор 1536 йилда кўзасимон идишдаги қизил мусаллас нархини белгилаш учун "амфора" сўзини қисқартириб, "а" ҳарфини гажак шаклида ўраб ишлатади. Бундоқ қараганда ўхшайди. Лекин ундан ҳам ўхшашини, 1448 йили кўҳна испан оғирлик ўлчов бирлиги "арроби" ўрнига қисқартириб @ шаклида ишлатишган экан.

Аммо, бу борадаги устунлик москвалик улуғ князь Иван Великийга тегишли. Унинг қўнғироқхонасида фақат ўхшаш эмас, айнан ўша белги яратилди. "Аз" ҳарфи ўзига хос ўралган тарзда ёзилиб, кирилл системаси бўйича "бир" рақамини билдирувчи белги пайдо бўлди.

**? – сўроқ белгиси.** Аббревиатуранинг "шубҳали" фарзанди, шу билан бирга компьютер ўйинларининг узоқ қариндоши бўлмиш бу белги илк бора лотин алифбосида пайдо бўлган. Лотин нусха кўчирувчилари қимматбаҳо қоғозни исроф қилмаслик учун "quaestio", яъни "жавоб изловчи" сўзини бош ва охирги "Q" ва "O" ҳарфлар билан ёзишарди. Кейинроқ, вақт ва қоғозни янада тежаш учун уларни устма-уст қалаштириб ёза бошлашди. Натижада ҳарфлардан бири оққуш шаклига ўхшаб бурилиб қолди. Иккинчиси эса унинг остига нуқта бўлиб тушди.




## ЗИЁРАТ ФОЖИАГА АЙЛАНДИ

**Италиянинг жанубида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси қурбонлари 36 кишига етди. Яна 11 йўловчи оғир аҳволда маҳаллий шифохоналарга ётқизилди.**



Автоҳалокат ўтган якшанба куни кечқурун минтақавий шосседа юз берди. Тахмин қилинишича, автобус 25 метрлар чамаси баланддан жарга қулаб тушган. Ҳалокатга автобуснинг тормоз тизими ишдан чиққани сабаб бўлган кўринади. Чунки, шоссенинг шу қисми мураккаб бўлиб, тепаликлар оша ўтади ва кескин бурилишлар кўп.

Автобусдаги йўловчилар Италиянинг таниқли Пий Форжон муқаддас ота зиёратига келаётган эдилар.

## ЭНДИ СЎЗ "ҚОРА ҚУТИ"ГА

**24 июль куни Испаниянинг шимоли-ғарбида юз берган темир йўл ҳалокатида оғир жароҳат олган яна бир аёл 28 июлда вафот этгач, қурбонлар 79 кишига етди.**



Илгари хабар қилинганидек, поезд ҳайдовчиси Франсиско Хосе Гарсон Амо "одамлар ўлимига сабаб бўлган эҳтиётсизликка йўл қўйган"ликда гумон қилиниб, қўлга олинганди. Кейинги хабарлардан маълум бўлишича, ҳайдовчи мамлакатни тарк этмаслик шарти билан озодликка чиқарилган.

Шундан сўнг Франсиско Гарсон кўрсатма беришга рози бўлди. "РИА Новости" тарқатган хабарда айтилишича, кўрсатма бериш жараёни икки соатдан узоқроқ давом этган. Шундан сўнг Герсон Амонинг паспорти олиб қўйилди. У энди тергов давомида ҳар ҳафтада судга келиб туради.

Тахмин қилинишича, машинист даҳшатли темир йўл ҳалокати ва кўплаб одамлар ўлимига олиб келган эҳтиётсизликда айбланиши мумкин.

Поезд ҳайдовчиси берган кўрсатмаларга асосланиб, судья Луис Алоес унга нисбатан айблов белгилаган. Бироқ, бу қандай айблов эканлиги ошкор этилмаяпти. Шу билан бир вақтда судъя мутахассисларга поезддаги "қора қути" маълумотларини ўрганишга рухсат берди.

## ФРАНЦИЯДА КУЧЛИ БЎРОН

**Мамлакатнинг ғарбидаги Жуанвил шаҳрида цирк томошалари давом этаётган пайтда бино гумбази одамлар устига қулаб тушди.**



Францияда юз берган ноқулай об-ҳаво кўп ташвишлар келтирди. Кучли шамол дарахтларни электр симлари устига қулатиб, 160 минг кишини чироқсиз қолдирди. ИТАР-ТАСС-нинг хабар беришича, Жуанвил цирки гумбази остида қолган 30 киши жабр кўрди.

Бордо шаҳрида қулаган дарахтлар темир йўллардаги ҳаракатларни тўхтатиб қўйди. Парижда ҳам шундай ҳалокат юз берди. Бу икки шаҳар ўртасида транспорт ҳаракати бир неча соатга тўхтаб қолди. Табиий офат шимол томон ҳаракатланаётгани ҳисобга олиниб, 40 дан зиёд департаментда огоҳлантириш эълон қилинди.

Табиий офатдан мамлакат шимолидаги Нормандия ва Шампань вилоятлари, айниқса, кўп зарар кўрди. Шуниси диққатга сазоворки, момақалдироқ ва ёғинлар мамлакатга кўпдан бери кутилаётган совуқ оқимни олиб келади. Масалан, бир қатор музофотларда ўтган шанба куни ҳаво ҳарорати 37 даражадан ошди.

Германияда эса иссиқ 40 даражали чегарадан ўтди. Мамлакат марказидаги ўрмонларда ёнғин хавфи кучайди.

## ЖАВОҲИРОТЛАР ЎМАРИБ КЕТИЛДИ

**Заргарлик буюмлари кўргазмаси ўтказилаётган Канн шаҳрида қуролланган кимса Carlton меҳмонхонасига кириб, 40 миллион евро (53 миллион доллар)ли қимматбаҳо жавоҳирларни ўмариб кетди.**



NEWSчи Izrael бу сафар Leviev брендининг заргарлик буюмлари ўғирланганини маълум қилди. Шу йил май ойида Каннда ўтказилган кинофестиваль чоғида Novotel меҳмонхонасидан Chopard фирмасининг 1,4 миллион евро қийматига эга қимматбаҳо жавоҳирлари ўғирланган эди. Орадан бир неча кун ўтиб эса, De Grisogono компаниясининг 2 миллион евродан қимматлироқ бриллиант маржонлари ўғриларнинг ўлжасига айланганди.

Levies маркаси эгаси, миллиардер Лев Леваев олмос конларига сармоя киритувчи дунёнинг энг бой кишилари қаторидан жой олди. Унинг олмос қазиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналаридан ташқари Африкада шахталари ҳам бор.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7695. Адади 7 758. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10.